




Пойтахтимиз маркази кундан-кунга гўзаллашиб, ободонлашиб бораёпти. Бу ерда барпо этилаётган маъмурий бинолар, унинг кўрнуга-кўрк қўшмоқда. Қўлгўл қурувчилар дохийимиз Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига бунёдкорлик ишларини ҳар қачонгидан ҳам кучайтирмоқдалар. В. И. Ленин Марказий музейнинг Тошкент даги филиали биноси қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Шаҳримиз марказининг бугунги жамоиди ҳаммаю қувонтиради. Суратда: (чапда) Ҳукумат уйи ва (ўнгда) музейнинг умумий кўриниши.

БҲТҲН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-ИЛ ЧИҚИШИ

№ 32 (4279)

14

ФЕВРАЛЬ

ШАҒБА

1970 ИЛ

Баҳоси 2 тийин

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ МУҲИМ ТАШАББУСИ

Расмий доираларнинг ва халқ аро жамоатчилиқнинг диққат этибори Исроил ҳарбийларининг янги агрессив ҳаракатлари натижасида Яқин Шарқдаги вазият кескинлашаётганлиги қаратилгандир. Исроил ҳарбийларининг бундай агрессив ҳаракатлари, жумладан, Бирлашган Араб Республикаси ва бошқа араб давлатларига иттифоқчилик билан қилинган ҳаво ҳужумларида, аҳоли яшайдиган пунктларнинг ўққа тутилиши ва бу ерларга ҳужум қилинишида кўринмоқда. Бундай ҳаракатлар Исроил қўлатган таълабларни қабул қилишга араб мамлакатларини мажбур этиш мақсадида қилинмоқда. Бунда Исроил раҳбарлари империалистик кучларнинг қўмағи ва мададига ора қилинмоқда.

Умумий тинчлик ва халқаро хавфсизлик манфаатлари Исроил ҳукумати авантюризмдан тийиб қўйиши, ҳарбий кескинлик аж озиб кетишининг олдини олишга ва Исроил қўлатган овозига қўл солишга ёрдам берадиган сира нечиқтириб бўлмайдиган ва қатъий ҳаракатларни амалга ошириши талаб этиши муқтоқо равшандир.

Журналистлар доирасида маълум бўлишича СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин Яқинда АҚШ президенти Никсонга, Англия Бош вазири Вильсонга ва Франция президенти Помпидуга қилган шахсий мурожаатида Исроил раҳбарлари талаб олган ўзининг оқибатлари ҳалдан ташқари даражада хавфхатарли эканлигига этиборини жалб қилди.

Мақтубларда шу нарса қўрсатиб ўтилганки, Исроил томонидан унинг ҳозирги йўли давом этириши жаҳоннинг муҳим районларидан бирида можарони кенгайтиради ва чуқурлаштиради. Агрессия қилиш билан, уларнинг риторикаларини босиб олиш билан араб мамлакатларини тиз чўчишига мажбур этиш мумкин эмас. Вазият Исроилнинг Бирлашган Араб Республикаси ва бошқа араб давлатларига қарши қилаётган хавфли қуролли ҳужумлари ва ҳуружлари дарҳол тўхтатилишини, хавфсизлик кенгаши билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясининг қарорларига риоя қилинишини талаб этади.

Энг муҳим зарурат Исроилни қуролли иттифоқчилик сисбатини амалга оширишдан воз кечишга мажбур қилишдан ва Яқин Шарқда мустақам тинчлик ўрнатиладиган йўл тутишдан иборатдир. Бу мақсадга эришиш учун, жумладан, давлатлар ўртасидаги мас-

халқлар дўстлиги университетидеб номланган ва Москва диврда жойлашган олий ўқув юрти совет кишиларининг бутун дунё меҳнатнашларига бераётган беғараз ерданинги ва улар билан иттифоқчилик бирдамлигини йўрсатувчи еркин далил бўлиб турибди. СССР ҳукуматиининг қарори билан 1960 йилда ташкил этилган бу ўқув юрти ҳамма китъаларда машхур. 12 февралда Кремлдаги Съездлар саройида ўтказилган тантанали йиғилиш шу олий ўқув юртининг шонли 10 йиллигига бағишланди.

Университет ректори профессор С. В. Румянцев кириш нутқида бу олий ўқув юрти ўзининг дастлабки 10 йили мобайнида қилган ишлари тўғрисида бутун совет халқи В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган анойиб кунларда ҳисоб бераётганлигини уқтириб ўтди.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамятиларини иттифоқи президиумининг раиси Н. В. Попова ВЦСПС секретари П. Т. Пименов университетини таъсис этишчилар номидан унинг коллентивини нутқлади.

Игиллиш натижалари — совет жамоатчилиқининг вакиллари ва университетини тамомлаб чиқувчилар бу ўқув юрти гойа машхур данииларини айтишди.

Игиллишда Конго Демократик Республикаси (Киншаса)нинг СССРдаги элчиси Бенсан Футу нутқи бўлади. Бу интернационал олий ўқув юртига Конго халқининг миллий даҳрамони Патрис Лумумба номини беришга ўз вақтида қарор қабул қилган СССР ҳукуматига элчи ташаккур изҳор қилди.

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

ТЕХНИКА ШАЙ

«ЛЕНИН йўли» колхозини меҳнаткорлари ўтган ҳужалик йилида самарали меҳнат қилиб катта ютуқларни қўлга киритган эдилар. Улар сабзавоткорларга яқиндан ёрдам бериб экинларга сифатли ишлов беришда катта ташаббус кўрсатиб ишладилар. Меҳанизаторлар шу кеча-кундузда баҳорги тайёргарлик ишларини намунали ташкил этишмоқда. Илгор меҳанизаторлардан ҳисобланган Турсунбой Мадрамов, Собир Қўчқоров, Қобил Қўчқоров, Эргаш Қўмнишов қабиларнинг айрат кўрсатиб меҳнат қилганликлари туфайли ҳужаликда техника ремонтни тугалланди.

Колхозда шу кунгача ўн та ҳайдов трактори, 20 та ишлов боб-ускуналари сифатли ремонтдан чиқарилиб, баҳорга шай қилиб қўйилди.

С. ТУЛАГАНОВ,
Калинин райони.

ШҲР ЮБИЛМОҚДА

БЕКОБОД районидан Навоий номи колхозда баҳор таралдуи ишлари намунали олиб бориляпти. Пахтакорлар далага маҳаллий ва минерал ўғитлар чиқариш билан биргаликда шўр ювиш ишларини ҳам кенг кўлабда олиб бормоқдалар. Юбилей йилини меҳнатда муносиб

ютуқларга эришиш билан аяқулаш учун ҳозирдан бошлаб самарали меҳнат қилаётган колхоз деҳқонлари Мирзачўл районидан Ленин номи колхоз деҳқонларининг ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб иш юритмоқдалар.

Пахта майдонларининг умумдорлигини ошириш, тупроқ структурасини яхшилаш бора-бора анчагина аҳин ишлар қилиняпти. Майдонларда шўр ювиш ишлари намунали ўтказилляпти. Бу ишда колхознинг илгор сувчиларидан Сафар Ҳидиров, Нишон Жабборов, Исмакул Исмаиловлар ўрнатқ бўлишляпти.

Қ. СИДИҚОВ.

ЛЕНИНЧА МЕХНАТ ВАХТАСИДА

АХДИГА ВАФОДОРЛАР

Бекобод шаҳридаги В. И. Ленин номи металлургия заводи билан Мирзачўл районидан В. И. Ленин номи совхоз коллективларининг қимматли ташаббусига қўшилган Ф. Дзержинский номидаги цемент комбинатининг ишчи ва хизматчилари муносиб ютуқларга эришишляпти.

Айниқса, куйдирувчи цехнинг ишчилари планга нисбатан кўшимча 300 тонна клинкерни давлатга топшириш мажбуриятини олган эдилар. Бу аҳдни бажаришда ишчилардан Н. Фармонов, З. Мусаев, И. Коротов ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўляпти. Улар ўзларига берилган топшириқларни ҳамма вақт аъло бажаришмоқда.

Ишт куйдириш вақтинчи алча тежаб қилишга муваффақ бўлаётган машинистлардан Мусаев ва Фармоновлар эса нормани икки ҳиссадан ошириб адо этишляпти.

Э. ҚУРБОНОВ.

ЕР ОСТИ СУҒОРИШ СИСТЕМАСИ

Янгиқўлдаги Усмон Юсупов номи комбинатда Ўзбекистонда йирик ер ости ирригация системаси вужудга келтирилмоқда. Бу система беш минг гектар бот, тоқор ва полизорларни, сабзавот экиладиган майдонларни суғоришга мўлжалланган. Ана шу ерларнинг бир қисми янгидан ўзлаштирилган.

Ҳозирнинг ўзидаёқ 600 гектар боти суғориш учун усти ёпиқ босимли қувур ўрнатилди. Ер ости магистралидан ернинг устига гидрантлар чиқарилган. Бу гидрантларга ишчиқ шланглар узатилди. Ер остида 45 километр узунликда пўлат қувур этикзилди.

Мелiorаторлар яна 100 гектардан ортиқроқ тоқор, поля экинлари ва сабзавот экиладиган майдонни суғориш учун янги қуруларни этикзилшга киришдилар. (ЎЗТАГ).



● **МИРЗИЕД МАВЛОНОВ** пойтахтимиздаги асбобсозлик заводининг моҳир тоқари ҳисобланади. У дохил юбилейи шарафига бошланган мусобақада қувончли натижаларга эришмоқда. Смена топширигини муттасил 130—140 процентдан адо этмоқда. Суратда: ўртоқ М. Мавлонов иш ўстида.

А. Тураев-фотоси.



● **ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ** заводининг меҳнатсевар коллектив пахтакорларимиз учун кўплаб кенг қаторли чигит экиш селдалари ишлаб чиқарляпти. Суратда: корхонанин илгор селсаларидан Дмитрий Кудренко (чапда) ва Борис Шкури ўртоқлар навбатдаги селдаларни созламоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

ДУНЕ ОВОЗИ ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

● **ТУРКИЯ ПАРЛАМЕНТИДА**

АНҚАРА. (ТАСС). Парламентнинг миллат палатасида ҳукумат томонидан тандинг этилган 1970—1971 йилги давлат бюджетини тўғрисидаги қонун лойиҳаси учун овоз берилди. Ҳукумат томонидан тандинг этилган бюджет қонун лойиҳаси 224 овоз билан рад этилди. Уни ёнлаб 214 депутат овоз берди. Оппозицион партия-

● **АГРЕССОРЛАРГА ЗАРБА**

ХАНОЯ. (ТАСС). Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Америка агрессорлари ва Сайгон кўғирчоқ армиясига муносиб зарба бермоқдалар. Ватанпарварлар ливарь оқиминг иккинчи ярида Биньдин вилоятида душманиннг 330 дан ортиқ солдат ва офицерини, шу жумладан Америка ҳарбийлари-дан 74 кишини ва Сеул режими-

дан ёлланган ҳарбийлардан 140 кишини сафдан чиқарганлар.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари уриб тушираётган Америка самолётларининг сони ҳам ортиб бормоқда. Яил бошидан бери, деб хабар қилади ВНА агентлиги, халқ озодлиги қуролли кучларининг жангчилари Куингчи ва Тхитхен вилоятларининг тоғлиқ районларидаги АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг 58 самолётини уриб туширдилар.

● **КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ РОЛИ ОШИМОҚДА**

ПРАГА. (ТАСС). ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзо-

си, Чехослования революцион касабасоюз ҳаракати Марказий Кенгашининг раиси Я. Пилер Марказий Кенгаш пленумида сўзга чиқиб бундай деди: Чехослования касабасоюзлари Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларининг касабасоюз ташкилотлари билан ҳамкорлигини бундан кейин ҳам кучайтираверадим.

Бундай ҳамкорлиқ, деб давом этди, у, халқро ишчилар ҳаракатининг кучини оширади, тажрибаларини ўзаро ўртоқлашш эса социалистик мамлакатларнинг ривожланишига ёрдам беради.

СССР касабасоюзлари Жаҳон

касабасоюзлари Федерациясининг ишида актив қатнашадим.

● **В. ШТОФНИНГ**

В.БРАНДТА МАҚТУБИ

БЕРЛИН. (ТАСС). Бу ерда ГДР Министрлар Совети раиси В. Штофнинг ГФР канцлери В. Брандта мақтуби эълон қилинди.

В. Штоф ГДР ва ГФР ҳукуматлари бошлиқларини ўртасида бевоқиф музокараларини 19 ёки 26 февралда бошлашни тавлиф қилди. Бу музокараларининг мақсади деб таъкидланди мақтубда. Ҳамма эътироф этган халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳар иккала

герман давлати ўртасида тинч-товуш яшашини таъминлашдан ва нормал муносабатлар ўрнатишдан иборат бўлмоғи керак.

● **МУВАФАҚАЯТЛИ МУЗОКАРАЛАР**

БРАЗЗАВИЛЬ. (ТАСС). 12 февралда Совет Ёшлари делегацияси Конго социалистик ёшлар иттифқи раҳбарлиги билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш тўғрисида музокаралар олиб берди.

Дўстона ва амалий вазиятда утган шу музокаралар чоғида ҳар иккала томон Совет Ёшлари билан Конго Ёшлари ўртасидаги

муносабатларининг аҳолидан ўзларининг тўла мамун бўлганлиқларини билдирдилар. Улар В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб биргаликда ўтказилган тадбирлар ҳақида, шунингдек ўз ташкилотларининг фаолияти тўғрисида бир — бирларига ахборот бериб туриш тўғрисида ҳам келишиб олишди.

ДУНЕ ОВОЗИ ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

